



20 20 у. « 2 » сентябрь

№ Қ-431

«    »                      20    г.

**Ангор тумани М.Азизов СИУ худудидан  
“ANGOR MELIORATIV” кўп тармоқли ишлаб  
чиқариш шўъба корхонасига сабзавот  
маҳсулотлари етиштириш ва “Иссиқхона”  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/545-сон йиғилиш баёни ва Ангор тумани ҳокимининг 2020 йил 20 июндаги 237/01-19-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/545-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Ангор тумани М.Азизов СИУ худудидан “ANGOR MELIORATIV” кўп тармоқли ишлаб чиқариш шўъба корхонасига туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 457, 458, 459 ва 464-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 55,6 балл бонитетли(бўз ер майдони) жами 25,58 гектар, шундан 21,51 гектар сувли ер, 3,87 гектар сув ости ерлар ва 0,2 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари шундан 458,459 ва 464-дала контурларидаги жами 19,38 гектар, шундан 15,51 гектар сувли экин ер, 3,87 гектар сув ости ер майдонлари сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ва 457к-дала контуридаги 3,7 гектар, шундан 3,5 гектар сувли ер, 0,2 гектар йўллар ҳамда 464к-дала контуридаги 2,5 гектар сувли ер майдонлари замонавий типдаги “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ANGOR MELIORATIV” кўп тармоқли ишлаб чиқариш шўъба корхонаси раҳбари Х.Бегимовга:

ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

максадсиз фойдаланганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Ангор тумани ҳокимлиги (Ш.Абдуллаев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов